O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 11 март, № 48 (3593) Жума



*Ўзбекистон-Австрия "VISO" қўшма корхонаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари орасида ўзига хос жиҳати билан ажралиб туради. Бу ерда йилига 70 хилдаги 150 минг жуфт пойабзал асосан, маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилади.*



## Пишиқ-пухта ва кафолатли

*Уларнинг 98 фоизи эса давлат буюртмаси асосида тайёрланади. Шу билан бирга, корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2004 йилда 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга жўнатилди.*

*Корхона ўз маҳсулотларига 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга кафолат бериши эса харидорлар сонининг ўсишига олиб келмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** корхона илғор тикувчиси Марғуба Қаюмова иш устида; тикувчилик цехи.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

## ТОШКЕНТДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАНХАЙГА

*"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Хитой Халқ Республикасига янги авиайўналишини очди. Шанхай аэропортида икки мамлакат авиакомпаниялари ҳамда Шанхай шаҳри маъмурияти раҳбарлари иштирокида янги ҳаво йўналишининг очилгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.*

Тошкент-Шанхай-Пекин-Тошкент йўналишидаги авиарейслар ҳар ҳафта чоршанба кунлари бажарилади. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида турли соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашиши баробарида ҳар икки мамлакат сайёҳлари учун ҳам янги имкониятларни очиб беради.

Ўзбекистонлик учувчилар 1993 йилдан буён ХХР пойтахтига "Боинг-767" ва "А-310" русумли замонавий ҳаво лайнерларида қатнаб келишади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компаниясининг маълумотларига қараганда, ўтган йили Тошкент-Пекин йўналишида йўловчи ташиш 35 фоизга, юк ташиш ҳажми эса қарийб 40 фоизга ошган. Бунинг муҳим сабабларидан бири, шубҳасиз, ўтган йил июнь ойида ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга буюрган ташрифидан сўнг ўзбек-хитой сиёсий мулоқотлари фаоллашганидир.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон пойтахти ва Шанхай биродарлашган шаҳарлардир. Янги ҳаво йўналишининг очилгани эса ҳар икки томоннинг ишбилармон, маданий ва илмий доиралари ўртасида янгидан янги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилишига ёрдам беради.

**"Жаҳон" АА.**

## Халқаро анжуман

*Кеча пойтахтимизда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Японияниннг қишлоқ хўжалиги кооперативлари уюшмаси марказий қўмитаси ҳамкорлигида "Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг тармоқни ривожлантиришдаги ўрни" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.*

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг раҳбарлари, мутахассислари, шу соҳага тегишли олимлар иштирок этдилар.

Мамлакатимиз аграр тармоғида фермер хўжаликларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Соҳани ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Ер фермерларга тендер асосида 50 йилга ижарага берилмоқда. Айни пайтда республикамизда 120 мингдан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Агар бундан тўрт йил муқаддам республикамизда етиштирилган пахтанинг 21,7, ғалланинг 19,4 фоизи фермерлар улушига тўғри келган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич мутаносиб равишда 51 ва 55,4 фоизни ташкил қилди.

Лекин фермерлар олдида бир қатор муаммолар ҳам бор. Бу, айниқса, маркетинг ишини ташкил қилишда, замонавий инфратузилмани яратишда, экинлар парваришида агротехника қоидаларига қатъий риоя этишда, кредит маблағлари олишда учрамоқда. Бизда мазкур масалаларда фермерларга амалий ёрдам берувчи ташкилотлар кам. Шу боис фермерларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи қишлоқ хўжалик кооперативларини тузиш лозим. Бунда ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ҳисобга олиш лозим.

Хорижлик мутахассислар, халқаро лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланувчи экспертларнинг маърузалари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Улар кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## Хабарлар оқимидан

### Ёш теннисчиларимиз муваффақияти

Теннис бўйича терма жамоалар ўртасида Дэвис кубоги турнири доирасидаги беллашувлар якунланди.

Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувни сафарда Индонезия терма жамоаси билан ўтказди. Мусобақада юртимиз шарафини терма жамоамизнинг янги — ёшарган таркиби Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов ва Денис Истоминлар ҳимоя қилдилар.

Беллашувда ўзбекистонлик ракетка усталари Индонезия терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди ҳамюртларимиз 29 апрель ва 1 май кунлари бўладиган иккинчи давра баҳсларида Ҳиндистон терма жамоасига қарши кортга чиқади.

### Омадли юришлар ҳали олдинда

Испаниянинг Линарес шаҳрида шахмат бўйича йилнинг нуфузли супертурнири кеча ниҳоясига етди. ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўзининг сўнгги учрашувида Петер Лекога қарши дона сурди. 24-юришда томонлар дурангга имзо чекдилар. Рустамнинг супертурнирдаги учрашувига эътибор берадиган бўлсак, у биринчи давранинг барча учрашувини дуранг билан якунлади. Унинг ўйинлари ҳақида рақиблари Каспаров ва Анандлар илиқ фикрлар билдиришди. Бироқ иккинчи даврада Қосимжоновнинг омади чопмади. Франсиско Вальехо, Гарри Каспаров, Вишванатан Ананд, Веселин Топаловларга имкониятни бой берди. Фақат Майкл Адамс ва Петер Леколар билан дуранг натижага эришди.

Албатта, дунёда тан олинган кучли гроссмейстерлар билан тенгма-тенг кураш олиб боришнинг ўзи катта гап. Шунда кўплаб газетхонларимиз Рустамга бундай муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмасликни истаяпти. Супертурнир эндигина йигирма беш ёшни қаршилаган Рустам учун катта тажриба мактабини ўташи шубҳасиз. Шу йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган мутлақ чемпионлик баҳсида ҳамюртимизга омад тилаймиз.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

## ҚОНУН ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида юксалиш йўлига кўтарилди. Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, айниқса, "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" деган сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айни шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этишда фаол иштироки учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал қилиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати шу мавзуда бўлди.**

— Юртбошимизнинг дастуриламал маърузасида, аввало, ўтган салкам ўн тўрт йил давомида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар чуқур таҳлил этилди, — дейди А.Саидов.

— Маърузада ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилаш жараёнларида эришилган ютуқлар умумлаштирилди. Мавжуд камчиликлар холис, танқидий баҳоланди. Албатта, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишнинг устувор йўллари кўрсатиб берилди.

Биз рўёбга чиқаришга киришган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва конституциявий қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ кечмоғи даркор. Бу борада ҳозирги кунга қадар бир қанча муҳим қонунлар қабул қилингани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат фондлари, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганидан яққол далолатдир. Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг муҳим институти — нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонунчилик тизими яратилди.

**— Келгусида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мавжуд ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш йўлида қонун ижодкорлари зиммасида яна қандай муҳим вазифалар турибди?**

— Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунга зарур ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, "Нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Хайрия фаолияти тўғрисида" қонунлар қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Табиийки, ана шу янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукаммаллаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

Авваламбор, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш" давр тақозосидир. Ушбу қонун қабул қилинганидан буён ўтган давр ичида ноҳукумат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик жадал суръатлар билан ривожланди. Бу орада "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонун мазмунан эскириб қолди. Шу боис, жамоат бирлашмаларини нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйиш фурсати етди.

"Хайрия фаолияти тўғрисида"ги қонун қабул

(Давоми 2-бетда).

## НАВРЎЗ ВА ИСТИҚЛОЛ



Бундан қарийб йигирма йил муқаддам, айни шу кунлар — Наврўз арафаси. Биз таҳсил олаётган олий ўқув юртида байрам тантанаси ўтказиладиган бўлди. Фаол ёшлар — ижодга, санъатга ошно талабалар тўгарак раҳбарларимиз бошчилигида бадиий тадбир учун масъул этиб белгиландик.

Дам олиш кунлари келиши билан бир гуруҳ ижодкор-талабалар баҳор ва уйғониш фасли — Наврўз шодиёнасига табиат қучоғида тайёргарлик кўриш учун пойтахт вилоятининг тоғли қишлоғига йўл олдик. Теварак-атрофдан ўтин йиғдик, ўчоқ қазидик. Шу қишлоқлик курсдошимизнинг қариндош-уруғи, қўни-қўшнилари бош-қош бўлиб сумалак пиширдик. Очиқ ҳавода, чарақлаган юлдузлар остида, сумалак қайнаётган қозон тепасида шеър-шеърга, лапар-қўшиққа, хурсандчилик-хурсандчиликка уланди. Бир йўла Наврўз тантанасига бағишланган сценарийимизнинг амалдаги ижросини эл назаридан ўтказиб, кам-кўстини пухталаб маромига етказиб ҳам олдик.

Якшанба кечқурун бир олам таассуротлар билан... ва каттароқ идишларда сумалак олиб шаҳарга қайтдик. Метрога тушганимизда, тартиб посбонлари гуруҳимизни тўхтатиб, идишларда нима борлиги билан қизиқишди. Биз ўзимиз пиширган сумалакдан олиб келаётганимизни, дорилфунунимизнинг байрам дастурхонига улашмоқчи эканимизни айтишга ва уларни меҳмон қилишга шошилардик. Шу пайт йўлакда бошлиқ пайдо бўлди. У тўгарак раҳбаримизни суҳбат учун ичкарига таклиф этди. Домламиз қайтиб чиққанида юз-кўзида байрам кайфиятидан асар ҳам қолмаганди. Сўраб билганимиз шу бўлдики, Наврўз тақиқланибди, сумалак ман этилибди...

Асрлар бўйи халқимиз, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон орзиқиб кутадиган хурсандчилик, гўзаллик ва нафосат айёми — Наврўзнинг яқин тарихи, совет даври билан боғлиқ шунга ўхшаш воқеаларга биз тенги ва ёши биздан улуғроқ юртдошларимизнинг аксарияти кўп гувоҳ бўлган.

Шундай замонлар ҳам ўтдики, халқимиздан бу мўътабар байрамни олмоқчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллатимиз ёдидан ўчирмоқчи бўлдилар. Истиқлол насимлари эса Наврўз атрофидаги мафкуравий тақиқларни буткул тарқатиб юборди. Умуммиллий байрамимизни нишонлашга қарши қаратилган барча ғов ва тўсиқлар барҳам топди. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизга Наврўз қайтди.

(Давоми 2-бетда).

## Жаҳон 24 соат ичида

### Хотирлаш маросими



**1945 йилда Америка ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Токио бомбардимон қилинганди. Токиоликлар ана шу воқеанинг 60 йиллигини хотирламоқдалар. Ўшанда шаҳарнинг катта қисми вайрон бўлганди. Шу муносабат билан Япония пойтахтидаги бир неча ёдгорликларда хотирлаш маросими ўтказилди.**

### Ноқонуний деб топилиши мумкин

**Грузия праламенти мамлакатдаги Россия ҳарбий базасини олиб чиқиб кетилиши масаласини шу ҳафтада муҳокамага қўймоқчи. Қарор лойиҳасига кўра, расмий Москва май ойининг ўрталарига қадар ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш муддатини белгиламаса, мамлакат ҳудудидаги ҳарбий база ноқонуний деб топилади.**

**Бироқ, парламент спикери Нино Бурджанадзе расмий Москва ва Тбилиси ўртасидаги музокаралар тугагунича, депутатлар бу масалани муҳокама қила олмаслиги мумкинлигини маълум қилди. Грузия президенти Михаил Саакашвили икки мамлакат ўртасида икки ой давомида ҳарбий базани олиб чиқиб кетиш юзасидан бир келишувга эришилишига умид қилмоқда.**

### «Қора олтин» олтинлигини исботламоқда

**Лондон ва Нью-Йорк биржаларида нефть нархи сезиларли даражада кўтарилди. "Интерфакс" ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Лондонда бир баррель нефтнинг нархи 54,05 долларга етди. Нью-Йорк биржаларида "қора олтин"нинг нархи 55 долларгача ошган. Иқтисодий шарҳловчиларнинг тахмин қилишича, нефть нархи яна кўтарилиши мумкин.**



*Ажаб ҳангомалар*

***Халқимизда "Ўлганнинг устига тепган" деган нақл бор. У бирор киши ночор аҳволда қолганида кимдир унга кўмаклашиш ўрнига баттарроқ вазиятга солиб қўйганида ишлатилади. Борди-ю, ўша одам бояги бечорани алдаб, бор-будини шилиб кетса, қилмиши ошкор бўлганидан кейин ҳам инсофга келмай, жабрдийдани ойлаб-йиллаб овора-ю сарсон қилса-чи? Буниси энди бировнинг азасида ўйинга тушиш ҳисобланади. Қарангки, кимсан, Тошкент вилояти хўжалик судининг собиқ судьяси Равшан Исломов ҳам ана шундай номардликка қўл урди. Бурчини унутиб, мансаб ваколатидан шахсий манфаати йўлида қасддан фойдаланганини етмагандай, чинозлик иккинчи гуруҳ ногирони Бахтиёр Ортиқовни боплаб лақиллатди, уни боши берк кўчага киритиб қўйиб, росманасига чув туширди.***

# Судья бурчини унутдими?

Ҳа, айтганча, Бахтиёр Ортиқов 1992 йилдан эътиборан тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилади. Уч-тўрт кишининг бошини қовуштириб, "Дилором" номли кичик хусусий корхона очади. Фаолиятини ривожлантириш мақсадида туман меҳнат биржаси орқали 200 минг сўм кредит олади. Аммо, орзу-истак бошқа, ҳаёт бошқа деганларидек, "Дилором"нинг иши юришмайди. Пировардида бошқа таъсисчилар бирин-сирин сафдан чиқиб кетишади. Корхонанинг бор мол-мулки танҳо Бахтиёр Ортиқов тасарруфига ўтади. У ёлғизланиб қолгани ва қўли қисқалиги туфайли кредитни муддатида қайтаролмайди. 1996 йилга келганда қарзи кўпайиб, устама фоизни ва жаримани қўшиб ҳисоблаганда, 400 минг сўмга айланади. Низо судга бориб тақалади. Суд унинг зиммасига кўрсатилган суммани тўлаш мажбуриятини юклайди.

Начора, олмоқнинг бермоғи бор. Қарзни тўлаш эса — фарз. Бахтиёр Ортиқов хатосини тан олади. Қандай бўлмасин, уни тўғрилашга ҳаракат қилади. Ўйлай-ўйлай, йўлини топади. Қарзни уйидаги "ГАЗ-52" русумли автомашина ҳисобига қоплашни мўлжаллайди. Шу ниятда уни "Тадбиркорбанк"нинг туман филиалида 611 минг 37 сўмга баҳолатиб, корхонаси балансига киритади. Бундан солиқ инспекциясини ҳам огоҳ этади. Сўнгра биржа сари йўл олади. Лекин у ердагилар ушбу масала фақат суд орқали ҳал қилинишини эслатишади. Агар ундирувни мулкка қаратиш хусусида қарор чиқарилса, машинани кредит маблағи ўрнига олишлари мумкинлигини айтишади. Вилоят ҳокимлигининг Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси юристи И.Алимов ҳам шу гапни такрорлайди. Бахтиёр Ортиқов айнан ўша кезлар биржанинг "Дилором"дан қарзни ундиришга оид такрорий аризасини кўриб чиқаётган судья Равшан Исломов билан маслаҳатлашиш ниятини кўнглига тугади.

Судья Бахтиёрдан ёрдамини аямаслигини айтади. Фақат бунинг учун олдин машинани кўрайлик дейди. Чинозга бориб, "ГАЗ-52"нинг техник ҳолатини кўздан кечиргач, уни сотиб қўя қолишни маслаҳат беради. Бахтиёр Ортиқов дардманлиги сабабли "нажоткор"идан бу борада ҳам кўмак сўрайди. Чамаси бир ойча ўтгач, Равшан Исломов жияни Самад Мўминов билан бирга келиб, харидорларга кўрсатиш баҳонасида машинани олиб кетади. Шу асно гўёки даъво муддати ўтиб кетган деган важ асосида биржа аризасини кўриб чиқишни рад этади. Кейинчалик Бахтиёрдан автомобилни бошқариш учун Самаднинг номига ишонч қоғози ёздириб олади. Иши битгач, "Энди ҳеч ким кредитни сўраб сизни безовта қилмайди", дея унинг кўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради. 1997 йил февралида эса кутилмаганда Бахтиёрнинг уйига бориб, автомашинани бошқа қариндоши Халил Ғафуров номига расмийлаштириш зарурати туғилганини шипшитади. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 1-нотариал идорада олди-сотди шартномаси имзолангач, "Яқин орада пулингизнинг 450 минг сўмини биржага, қолган 150 мингини корхонангизга ўтказиб берамиз", дея ваъдани қуюқ қилади.

Бахтиёр яна соддалигига боради. Оғзаки гапга ишониб, бамайлихотир ортига қайтади. Алданганини роппа-роса 12 ойдан кейин, аниқроғи, 1998 йил 5 февраль куни навбатдаги суд қарорига кўра биржага кредит ва устама фоизни қайтариши лозимлиги ҳақидаги ижро варақасини олганида англаб етади. Дарҳол Халил Ғафуровга учрашиб, ҳақини талаб қилади. Халил заррача пинак бузмайди. Машина ўзига эмас, Равшанга қарашли эканлигини, бинобарин, пулни у тўлаши шартлигини тушунтиради.

Таассуфки, бу пайтда Равшан ишдан кетганди. Бахтиёр уни излай-излай, икки ой деганда аранг топади. Равшан яна хурмача қилиғини такрорлайди. 1999 йил 25 майга қадар машинани қайтариш ёки пулини тўлаш тўғрисида тилхат ёзиб беради. Амалда-чи? Барибир, лафзида турмайди. Автомобилни паркентлик З.Тожибоевга сотадида, пулини шахсий эҳтиёжига харжлаб юборади. Ноилож қолган Бахтиёр қариндош-уруғларидан қарз-ҳавола кўтариб, биржа билан орани очиқ қилади. Кейин рўй берган воқеани миридан-сиригача қоғозга тушириб, республика Бош прокуратурасига йўллайди.

Қарабсизки, ҳаял ўтмай, Равшан Исломовга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилади. Бироқ у 2001 йил 22 августда бўлган судда айбига мутлақо иқрор бўлмайди. Аксинча, "Қўрққан олдин мушт кўтарар" қабилида иш юритади. Бахтиёрни бамисоли азалдан яхши танишини, касаллигини ҳисобга олиб, 1996 йил майида унга қарз тариқасида 130 минг сўм берганини, эвазига Бахтиёр "ГАЗ-52"ни гаровга қолдириб кетганини эслатади. Пулини қайтиб олишига кўзи етмагач, машинани сотганини таъкидлайди. Кўргазмаси ниҳоясида ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни ёки ишни қўшимча терговга юборишни сўрайди. Бироқ унинг даъволари пучлиги ишда тўпланган ҳужжатлар асосида фош қилинади. Ўзи, суд ҳукмига биноан, уч йилгача мансабдор шахс лавозимида ишлаш ҳуқуқидан мосуво этилиб, олти йилга озодликдан маҳрум қилинади. Президентимизнинг 1998-2000 йиллардаги амнистия тўғрисидаги фармонларига кўра бу муддат икки йилга туширилади. Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилгач, тайинланган асосий жазо шартлига айлантирилиб, икки йиллик синов муддати белгиланади. Бундан ташқари, ундан жабрланувчи фойдасига 611 минг 37 сўм ундирилиши кўрсатилади. Бир ҳафта кейинги қўшимча ажримга мувофиқ, 2001 йил 22 августдаги амнистия тўғрисидаги Фармон асосида асосий жазодан озод қилинади. Апелляция судлов ҳайъати ҳукмни ўзгаришсиз қолдиради. Шу асосда тўлдирилган ижро варақаси Мирobod тумани судининг ижрочилар бўлинмасига жўнатилади.

Ажабки, Равшан Исломов шундан кейин ҳам қарзини узишни пайсалга солади. Тоқати тоқ бўлган Бахтиёр Ортиқов такроран суд эшигини қоқади. 2003 йил кўкламида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб олишда кўмак сўраб, даъво ариза битади. Шу асосда қўзғатилган иш ўша йил 28 мартдан 19 сентябргача бўлган вақт оралиғида гоҳ даъвогар талаби, гоҳ жавобгар эътирози асосида фуқаролик ишлари бўйича Мирobod туманлараро судида ва Тошкент шаҳар судида турли босқичларда тўрт марта кўрилади. Пировардида жавобгар даъвогарга 810 минг 199 сўмлик моддий, 400 минг сўмлик маънавий зарар — жами 1 миллион 200 минг 199 сўм тўлаши юзасидан қарор чиқарилади.

"Мен ўшанда ҳақиқат қарор топди", деб қувонгандим. Энди билсам, чучварани хом санаган эканман, — дея афсусланади Бахтиёр Ортиқов таҳририятимизга йўллаган шикоятномасида. — Негаки, Равшан Исломов машинамни олиб кетганига саккиз йилдан, суднинг сўнгги хулосаси қабул қилинганига ўн беш ойдан ошди. Шу вақт давомида қарздордан почта орқали бор-йўғи 126 минг 659 сўм олдим, холос. Бу кетишда пулим қачон қўлимга тўлиқ тегади? Ахир, қолдиқ сумма, инфляцияни ҳисобга олганда, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 миллион 698 минг 543 сўмни ташкил этмоқда. "Бор-е!" деб, ҳаммасидан кўзимни чирт юмай десам, яна бўлмайди. Сабаби — 11 ёшдан 19 ёшгача бўлган олти нафар фарзандим бор. Ўзим эса иккинчи гуруҳ ногирониман... Аҳволимни тушунасизлар, фирибгар Равшан Исломовдан ҳақимни тўлатўкис ундириб олишимда ёрдамлашасизлар, деган умиддаман".

Нимаям дердик? Бахтиёр Ортиқов тадбиркорликни эплолмагани, иши юришмаганиданам кўра кўпроқ собиқ судьянинг ёлғонига учганидан изтиробда. Равшан Исломов эса, ростданам, инсофдиёнатни унутган кўринади.

Хўш, суд ижрочилари-чи? Улар қаёққа қарашаяпти? Нега суд қарори ижросини таъминлаш чораларини кўришмаяпти? Нега "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга амал қилишмаяпти? Нима учун Равшан Исломовга нисбатан ҳамон муросасозлик қилиб келишаяпти?

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## «Берлиндаги Ўзбекистон»

*Германия Федератив Республикаси пойтахтидаги Католик академияси биносида таниқли немис сураткаши Катарине Эглаунинг "Буюк Ипак йўли: Берлиндаги Ўзбекистон" деб номланган фото кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

К. Эглаунинг 2002 йили Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада туширилган салкам 50 та фотосурати ушбу кўргазмадан жой олди.

Мазкур тадбирнинг очилиш маросими доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий-маърифий салоҳияти ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мавзусига бағишланган тақдимот ҳам бўлиб ўтди.

Берлин Католик академияси директори С.Шмидт ўз чиқишида Ўзбекистондаги турли миллат ва дин вакиллариаро бирдамлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш мавжуд эканини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида К. Эглау кўргазмага қўйилган ижод намуналари ҳақида тўхталиб, Ўзбекистоннинг табаррук замини меъморчиликнинг бетакрор кўҳна дурдоналарига бениҳоя бой эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

**Баҳриддин АСЛАНОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
Берлин.

## Маҳбус сайловда қатнашмоқчи

**Мисрдаги мухолиф «Ал-Гад» (Тонг) партияси етакчиси жорий йил январь ойининг охирларида қамоққа олинганди. У турли давлат уюшмалари муҳрларини сохталаштирганликда айбланган. Ҳозирда унинг депутатлик дахлсизлиги олиб ташланди. Шундай бўлишига қарамасдан, у жорий йилнинг сентябрида муқобиллик асосида ўтказиладиган парламент сайловларида ўз номзодини қўйишни режалаштирмоқда. Партия ҳуқуқшуноси Амир Салемнинг билдиришича, у қамоқхонада туриб ўз режаси тўғрисида хат тайёрламоқда. Унинг хати партия газетасининг биринчи саҳифасида чоп этилиши мумкин.**

## Ошпазлар айбдор



Филиппиндаги мактаблардан бирида заҳарланишдан 25 нафар бола вафот этган, 60 нафари шифохонага ётқизилган. Бу ҳақда маҳаллий ҳукумат вакили хабар тарқатди.

Болалар эрталабки нонуштадан заҳарланишган. Айни пайтда мактаб маъмурияти мазкур воқеада ошпазларни айбламоқда.

## Губернатор истеъфога чиқарилди

**Россия президенти Владимир Путин губернаторларни ўз вазифасидан озод қилиш ваколатидан биринчи бор фойдаланди. У Корякск автоном округи губернатори Владимир Логиновни истеъфога чиқарди. Президентнинг Узоқ Шарқ бўйича вакили Константин Пуликовскийнинг билдиришча, округда электр таъминотида жиддий инқироз юзага келган ва бу муаммоларни губернатор ҳал этолмаган. Шундан сўнг президент шундай қарорга келган.**

**Владимир Логинов ўтган йил март ойида ўтказилган сайловларда 38 фоиз овоз билан округга губернатор бўлиб сайланганди.**

## Оқ уй мурожаати

Оқ уй Пекинни Тайванга нисбатан ҳарбий кучлардан фойдаланиш тўғрисида қонун қабул қилмасликка чақирди. АҚШ президенти матбуот котиби Скотт Макклеллан Тайванга нисбатан ҳар қандай босим ўтказилишига қарши туришини маълум қилди.

Қонун лойиҳасида Тайван билан муносабатлар тинч йўл орқали ҳал этилмаган ҳолдагина ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш кўзда тутилган. Расмий Пекин Тайванда 1949 йилда фуқаролар уруши тугагандан буён орол суверенитетини тан олмай келаяпти.

Минтақада Тайван АҚШнинг стратегик ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Расмий Вашингтон вақти-вақти билан оролни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини билдириб турипти.

## Вазирга суиқасд



Ўтган чоршанба куни Бағдодда Ироқ режалаштириш вазири Меҳди Ал-Хафидхага бир гуруҳ жангарилар ҳужум уюштиришди. Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига қараганда, вазирнинг тан қўриқчиларидан бири отишмалар пайтида ҳалок бўлган. Вазир жароҳатланмаган. Меҳди ёрдамчисининг айтишича, у Ироқни қайта тиклаш ишларида асосий шахслардан бири ҳисобланади.

## Францияда иш ташлаш

**Францияда транспорт ходимларининг иш ташлаши бошланди. Бугун Парижда ушбу ташкилот касаба уюшмаси томонидан норозилик намойишлари ўтказилиши кутилмоқда. Улар иш ҳақларининг оширилиши ва ҳафталик иш вақти 35 соатдан кўпайтирилмаслигини талаб қилишмоқчи.**

**Ҳукумат вакилининг айтишича, мазкур иш ташлаш шаҳар атрофи йўналишида ҳаракатланадиган электропоезд, метро ва аэропорт ходимларига ҳам таъсир қилиши мумкин.**

## Ҳамкорликка рози бўлса...

**Яқин кунларда расмий Загреб билан ЕИ ўртасида Хорватиянинг иттифоққа аъзо бўлиб кириши юзасидан музокаралар бошланиши мумкин. Бироқ, бунинг учун мамлакат ҳукумати ҳарбий жиноятлар юзасидан Халқаро трибунал билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини исботлаши лозим. Бу ҳақда Люксембург ташқи ишлар вазири маълум қилди.**

**Айни пайтда Гаага трибунали Бош прокурори Карла дел Понте Хорватия ҳукуматини ҳамкорлик қилишни истамаётганликда айбламоқда.**

## Лойиҳа муҳокамада

Буюк Британия парламентида терроризм фаолиятига қарши курашиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қайтадан овозга қўйилди. Бунга сабаб парламентнинг лордлар палатаси томонидан киритилган ўзгартиришлар кўпчилик ҳукумат вакиллари тарафидан қаттиқ танқид остига олинган.

Айни пайтда мамлакат бош вазири Тони Блэр парламент олдида чиқиш қилар экан, мазкур қонунга ўзгартириш киритилишига ўз қаршилигини билдирди.

## Соғлиғи ёмонлашгани учун



Гонконг ҳукумати раҳбари Тун Чихуа ўз соғлиғи ёмонлашгани боис истеъфога чиққанлигини маълум қилди. Бу ҳақда маҳаллий газеталар бир ҳафта олдин хабар тарқатгандилар. Бироқ, музофот аҳолиси унинг истеъфога чиқиш учун кўрсатган сабабига шубҳа билан қарашмоқда.

Охирги пайтларда гонконликлар Туннинг сиёсий ҳаракатларини унчалик ёқлашмаётгандилар. Ҳатто, ўтган йили музофотда инсон ҳуқуқларининг чекланишига қарши бир неча минг аҳоли норозилик намойишлари ўтказишганди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда "Осиё йўлбарси" иқтисодиётида орқага кетиш ҳоллари ҳам учрамоқда.


**Магистрал газ қувурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чоралари тўғрисида**

**"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси**

**Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудуди бўйлаб шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистрал газ қувурлари ётқизилганлигини эслатиб ўтади.**

Улардан фойдаланишда етарли шарт-шароитни таъминлаш учун ва қувурларга шикаст етиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда қувурлар трассалари бўйлаб муҳофаза зоналари белгиланади. Мазкур муҳофаза зоналари қувурлар ўқининг ҳар икки томонидан 50 метр узоқликда шартли чизиқлар билан чегараланган ер участкаси кўринишида бўлади. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда муҳофаза зонаси қувурларнинг ҳар икки томонидан 25 метр узоқликда ўтган шартли чизиқлар билан белгиланади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер участкалари ердан фойдаланувчилар томонидан олиб қўйилмайди ва улар томонидан магистрал газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб бориш учун фойдаланилади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги дала ишлари, экиш ва йиғиш кампанияси бошланиши тўғрисида ушбу қувурларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга олдиндан маълум қилган ҳолда олиб борилади.

**Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан меъёрида фойдаланишга халақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНАДИ. Жумладан:**

- *Ҳар қандай қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш.*
- *Дарахт ва буталар ўтқазиш, ҳар хил озуқа, ўғит ва материаллар тўплаб қўйиш, пичан ва похол ғарамлаш, от боғлайдиган жой қилиш, чорва сақлаш, балиқчилик учун участкалар ажратиш, балиқ ва бошқа сув жониворлари овлаш, ҳар хил сув ўсимликлари йиғиш, сувлоқ жойлар ташкил этиш, муз ёриш ва тўплаш.*
- *Қувурлар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш.*
- *Кабель алоқасининг кучайтириш пунктларига хизмат қилмайдиган люк, дарча ва эшиклар, арматура тўсиқлари, катод ва дренаж муҳофазаси станциялари, мунтазам ва кузатув қудуқлари ҳамда бошқа қурилмаларни очиш, қурилма кран ва бурамаларини очиш ва ёпиш, алоқа воситаларини, қувурлар телемеханикаси ва электр таъминотини ўчириш ва ёқиш.*
- *Назорат-ўлчаш пунктларининг таниш ва сигналли белгиларини кўчириш, кўмиб юбориш, синдириш.*
- *Мелиоратив ишларни олиб бориш, суғориш ва қуритиш тизимини барпо қилиш.*
- *Турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш.*
- *Қудуқлар, шурф қурилиши ҳамда тупроқдан намуна олиш билан боғлиқ геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш.*
- *Турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш.*
- *Олов ёқиш ва бирор-бир очиқ ёки ёпиқ ҳолатдаги ўт чиқадиган манбани вужудга келтириш.*

Қувурлар ётқизилган ҳудудда турар жой мавзелари, аҳоли пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, иморатлар (турар жой ва нотурар жой бинолар) қурилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиши қўмитаси тасдиқлаган «КМК 2.05.06-97 магистрал газ қувурлари»га кўра, магистрал қувурларни лойиҳалаштиришнинг қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича газ қувуридан бино ва иншоотга бўлган энг кам масофага қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.



**Магистрал газ қувурларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар манзиллари:**

- «Ўзтрансгаз» АК: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 31-«А» уй.
- «Урганчтрансгаз» ШК: Хоразм вилояти, Урганч ш., А.Герман к., 13-уй.
- «Газлитрансгазқазибчиқариш»: Газли ш., Амир Темур к., 1уй.
- Муборак магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Қашқадарё вилояти, Муборак ш.
- Коғон магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Бухоро вилояти, Коғон ш.
- Зирабулоқ магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош ш.
- Ғаллаорол магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Жиззах вилояти, Ғаллаорол ш.
- Самарқанд магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Улуғбек қўрғони, Газчилар шаҳарчаси.
- Фарғона магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Фарғона ш., Кимёгарлар к., 11-уй.
- Тошкент магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси: Тошкент ш., Сирғали тумани, С.Олим к., 22-уй.
- Хўжаобод ер остида газ сақлаш иншооти: Андижон вилояти, Андижон тумани, Хўжаобод қўрғони.
- Шимолий Сўх ер остида газ сақлаш иншооти: Фарғона вилояти, Риштон тумани, Навбаҳор қўрғони.

140R/2679

